## ЙИГИТЛИК БУРЧИ

*Мен оилада ёлғиз фарзандман. Ота-онам ногирон. Оилалиман. Икки нафар фарзандим бор. Ушбу сабабларга кўра ҳарбий хизматга боролмайман. Бундай ҳолатда мени бир ойлик хизматга мажбуран олиб кетишлари тўғрими?*

5 бет

## ИЖАРА УЙДАГИ ЭЪТИБОРСИЗЛИК

*...кунларнинг бирида газсўрғичнинг назоратсиз қолдирганлиги хаёлидан кўтарилди. Кутилмаганда уй ичига табиий газ сизиб чиқиб, қаттиқ чақнаш содир бўлди. Энг аянчлиси, у яшайдиган кўп қаватли уйда жойлашган 12 та хонадонга моддий зарар етказилди.*

8 бет

# Ҳуқуқ

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 27-sentabr, №39 (820)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 12 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Прокуратура тўғрисида"**-ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9—10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **28-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**саккизинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа сақлаш ва айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади";

**ўн иккинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"қонунда назарда тутилган ҳолларда терговга ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради; амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади".

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **"Судлар тўғрисида"**ги 924–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1—2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **37-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади".

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда, № 7—8, 217-модда; 2001 йил, № 1—2, 11, 23-моддалар, № 9—10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг матнидаги** "Суд, прокурор" деган сўзлар "Прокурор" деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **29-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Суднинг ваколатларига: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради";

3) **36-модданинг:**

**биринчи қисми** "ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга" деган сўзлардан кейин "айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур процессуал мажбурлов чораларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** "қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги" деган сўзлардан кейин "айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

/Давоми 6-7-бетларда/



## Устозларга эҳтиром

Ўқитувчи ва мураббийликдек шарафли ва заҳматли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топди. Мактаб ва маорифга эътибор кучайди, тамомила янгича маъно-мазмунга эга, мустақил фикрловчи, замонавий технологияларни ўзлаштиришга ва уларни амалиётга жорий этишга қодир ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифани уддалайдиган таълим тизими юзага келди ва педагоглар жамоаси шаклланди. Ўз ишининг устаси бўлган фидойи муаллимлар меҳнатини қадрлашга доир бир қатор имтиёзлар яратилди. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 1 октябрь мамлакатимизда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб белгиланди ва у бизнинг энг мўътабар байрамларимиздан бирига айланди.

Ҳаётда ҳеч ким ўз-ўзидан олим ёки арбоб бўлиб етишмайди. Ҳаммамизга кимдир ҳарф ўргатиб, саводимизни чиқарган. Устозларнинг бизга қилган беминнат хизмати кўмагида бугун жамиятда ўз ўрнимизни топиб, сўзимизни айтаяпмиз.

Шиддат билан ўзгариб бораётган тезкор ва мураккаб давр ёшларга пухта билим бериш билан бирга, улар онгу шуурини, маънавиятини миллатимиз учун ёт ва бегона бўлган ғоялар таъсиридан асраб-авайлашни, ўқувчиларни чин маънодаги ўз юртининг фидойи инсонлари этиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу йўналишдаги ғамхўрликлар бизни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва айни пайтда шарафли юмушга янада масъулият билан ёндашишга, фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундайди.

/Давоми 3-бетда/

Тадбир

## Қонун – инсон эркинликлари кафолати

***Қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини яратишнинг муҳим шарти бўлиб, бу ўринда шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш муҳим аҳамият касб этади.***

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, судларнинг ихтисослашуви, адвокатура институтининг шаклланиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон эрки, ҳуқуқи ва манфаатларининг кафолатига айланди. Бугун одамларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, дунёқараши ўзгарди.

Қонунларга нисбатан ишонч, ҳурмат туйғуси шаклланди. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштириш, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш давлатимиз нуфузини халқаро ҳуқуқ майдонида ҳам оширди.

Соҳада амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида одамлар прокуратурани жазоловчи орган деб эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган идора, деб тушунадиган бўлишди.

/Давоми 4-бетда/

# Тадбиркорлар ҳуқуқи кафолатланмоқда

Ҳурматбек ҚУРБОНОВ,
Хива туман прокурори

Мамлакатимизда тадбиркорлик тобора кенг қулоч ёзмоқда. Бунинг натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг тараққий этиши юртдошларимизнинг фаровон турмушини кафолатламоқда. Тадбиркорлар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, Республика Президентининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва Қарорлари ҳамда, ҳукумат қарорлари билан кафолатланмоқда. Уларга берилаётган имтиёзлар сони тобора ортиб бормоқда. Албатта, тадбиркорлар ҳуқуқларининг қонун билан кафолатланаётганлиги замирида хусусий тармоқни янада ривожлантириш, оилавий бизнесни кенг йўлга қўйиш, миллий ҳунармандчиликни равнақ топтириш эвазига фуқароларнинг ўз иқтидор ва имкониятларини янада кенг намоён қилишларига замин яратилмоқда. Бу эса, аҳоли бандлигини таъминлашда, ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтиришда муҳим рол ўйнайди.

Хива туман прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Прокуратура ташаббуси билан жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ ва маҳаллаларда 20 та тадбиркорлик тузилмалари ташкил қилиниб, уларда 20 та янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида туман ҳокимлиги, ДСИ ва тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда доимий равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб келинмоқда. Жумладан, ҳар ойнинг учинчи шанбасида "Очиқ эшиклар куни" ўтказиш йўлга қўйилган. Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига турли юридик ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича "Бир ойна" маркази ташкил қилинган.

Прокуратура идораларининг "007" рақамли ишонч телефони орқали тадбиркорлик ва фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш йўлга қўйилганлиги юртдошларимиз учун қулайлик бўлди. Жорий йилнинг олти ойида Хива туман прокуратурасининг ушбу телефон рақамига тадбиркорлар томонидан 18 та мурожаат келиб тушди. Ушбу аризалар атрофлича ўрганилиб, 8 тасига тушунтириш берилиб ёки бошқа идораларга йўналтирилди, 10 таси қаноатлантирилди. Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан 16 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди.

"Олтин тупроқ" хусусий корхонаси иш юритувчиси Ш.Жуманиёзов,"Мафтуна-Улуғбек қизи" МЧЖ раҳбари Р.Олланазаровлар "007" рақамли ишонч телефонига мурожаат қилиб, банкдан кредит олишда амалий ёрдам сўради. Уларнинг мурожаатлари ҳам қаноатлантирилди.

"Xiva Geodaz kadastr" МЧЖ раҳбари Қаҳрамон Жуманиёзовнинг мурожаати асосида жамият томонидан тўпланган 9 та кадастр ҳужжатлари Хива туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматидан давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди.

Прокуратура томонидан ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Тумандаги 10 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 50 нафарига 157 млн. 600 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши таъминланиб, улар томонидан 52 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида муҳим аҳамият касб этувчи тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолият кўрсатишларини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолиятимиз давом этади.

*Азал-азалдан Турон заминида оила муқаддас ҳисобланган. Янги оилани ташкил этишда унга масъулият билан ёндашилган. Оилаларни мустаҳкамлаш, фарзандларнинг баркамол, етук инсон бўлиб улғайиши ҳам доимо ҳукуматимиз эътиборидадир.*

# Юртга комил фарзандлар керак

Ш.ТУРДАЛИЕВ,
Бешариқ туман прокурори

Конституциямизнинг XIV боби "Оила" деб юритилиши ҳам бежиз эмас. Унинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар" деб кўрсатилган. Бу ота-онанинг қонун олдидаги бурчидир. Бироқ аҳил, тотув оилалардан фарқлироқ нотинч оилаларнинг ҳам борлиги жамиятимизнинг оғриқли нуқталаридан биридир. Биргина Бешариқ тумани мисолида бу масалага ёндашадиган бўлсак, дарз кетган оилалар сони камайгани йўқ. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 128 нафар онадан фарзандларига оталаридан моддий таъминотини сўраб аризалар келиб тушган. Суд ижрочилари томонидан фарзандлари таъминотини таъминламаган оталарга нисбатан қонуний чора-тадбирлар кўрилмоқда. Нотинч оилалар билан узлуксиз тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилияпти.

2011 йилда моддий таъминот тўловчи 41 нафар ота билан ўтказган мулоқотимиз самара бериб, шунча оила тикланди. Бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 67 тани ташкил қилди, яъни 67 та оиладаги вояга етмаган фарзандлар ота-онаси бағрида улғаймоқда. Лекин бурчини англамаган, қонунларни билмаган оталар фарзандлари учун моддий таъминотни ўз вақтида беришни пайсалга солмоқда. Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро суди қарздор Ф.Ёдгоровдан ундирувчи С.Эгамова фойдасига маошнинг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати қарздорнинг иш жойига юборилди. Қарздор А.Масолиев ҳам ўз вақтида фарзандларига моддий таъминотни етказиб бермаганлиги боис унга қонуний чора кўрилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин бизнинг мақсадимиз бу эмас, балки отанинг оила олдидаги бурчини эслатиб қўйишдир.

Аслида она қарамоғида улғаяётган фарзандларга отанинг моддий таъминоти эмас, унинг дийдори, меҳри керак. Дарз кетаётган оилаларда вояга етмаган фарзандларни бир умрлик армон юки босиб турishини ота-она ҳис қилиши лозим.

Оила аҳил, иноқ бўлса, унда камол топаётган фарзандлар, энг аввало, соғлом, руҳан тетик, теран фикрли бўлади. Улар улғайгач, жамиятга нафи тегадиган — ижодкор, ихтирочи, тадбиркор, олим, хуллас, юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган инсон бўлади. Донишмандлардан бири таъкидлаганидек, "Кўлнинг таърифини балиғи, юртнинг таърифини фарзанди беради". Зеро, юртимизга мустаҳкам оилалар, комил фарзандлар керак.

# Сиз кимни алдаяпсиз?

Пўлат ХОЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим катта прокурори
Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Ниqиq»

***Ўзбекистон жаннатмакон мамлакат. Образли қилиб айтганда, яхши ният билан ерга чўп қадалса, гуллаб кетадиган диёр. Шунинг учун бўлса керак, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг кўпгина соҳалари, хусусан, пахтачилик бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда, шубҳасиз, миришкор деҳқонларимизнинг «оқ олтин» етиштиришга у ёки бу даражада алоқадор бўлган барча соҳа вакилларининг хизмати беқиёс.***

Аммо, "Гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, соҳада қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан олиб борилган назорат тадбирларида айрим мутасаддилар томонидан жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 16 март кунги "2011 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида"ги Қарорида қишлоқ хўжалиги субъектларига минерал ўғитлар 100 фоиз олдиндан тўловлар амалга оширилганда етказиб берилиши белгиланган. Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти ва унинг туманлардаги филиаллари томонидан 2011 йилда 1717 нафар истеъмолчига 7 млрд. 427 млн. 826 минг 300 сўмлик минерал ўғитлар ўзаро тузилган шартномаларга асосан олдиндан тўловларсиз етказиб берилган.

Бундан ташқари, 46 нафар истеъмолчига 164 млн. 887 минг 300 сўмлик минерал ўғитлар умуман шартнома тузилмасдан берилган. Хизмат ҳақи тўланмаган ҳолда 23 нафар истеъмолчига 22 млн. 797 минг 300 сўмлик агрокимёвий хизмат кўрсатилган. Шунингдек, мутасадди шахслар минерал ўғитларни талон-торож қилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

"Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти Беруний филиалининг "Озод" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 18-сонли шохобчасида 770 минг 382 сўмлик нитрафос минерал ўғити камомади аниқланганлиги фикримиз далилидир.

Айрим фермер хўжаликларининг мансабдор шахслари ғўза майдонларига солиниши лозим бўлган минерал ўғитларнинг бир қисмини қалбаки ҳужжатлар тузиб, шахсий манфаат учун ўзлаштириш мақсадида сақлаб қўйган ҳолатлар ҳам аниқланди. Бунга 900 кг аммиакли селитрани сақлаб қўйган Хўжайли тумани "Кенегес" овул фуқаролар йиғинида яшовчи "Тадбиркор" фермер хўжалиги бошлиғи Ю.Холмуратовни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ер ҳаммани боқади. Деҳқончиликка хиёнат эл ризқ-насибасига хиёнат қилган билан баробар. Асл деҳқон эса ерни алдамайди.

***Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзидаги, дунёқарашидаги ўзгаришларда яққол кўриш мумкин. Бу эса ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон, унинг фаровон ҳаёти учун деган тамойилга амал қилинаётганининг исботидир.***

# Асосий мақсадимиз

Пўлат САБИРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Хоразм вилоят бошқармаси
матбуот гуруҳи катта инспектори

Таъкидлаш жоизки, давлат бош ислоҳотчи сифатида ўтказаётган ислоҳотлар жараёнида СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари олдига қатор вазифалар қўйилмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш тизим фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ҳам муаяйн ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилган ишларнинг натижаси сифатида 59 та тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатилиб, жами 137 та янги иш ўринлари яратилганлигини эътироф этиш мумкин.

Ўтказилаётган тадбирлар давомида давр талаби, ислоҳотлар моҳиятини англаб етмаётган айрим мансабдор шахслар томонидан жиноят содир этилиши ҳолатларига дуч келинмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Урганч шаҳар электр таъминоти корхонаси ходими Мақсуд Ниязов "Бобурбек" фермер хўжалигининг фаолиятига тамагирлик ниятида аралашиб, фермер хўжалигига тегишли бўлган трансформатор нотўғри ишлаётганлиги тўғрисида далолатнома тузади. У ушбу далолатномани расмийлаштирмаслик эвазига хўжалик раҳбари Р.Сабировдан 200 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ушланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан юрт равнақига таянч бўлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бўлиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундан кейин ҳам қонунийликни ва Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверади.

# Устозларга эҳтиром



Тоғмурод МУРОДОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори ўринбосари
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Устоз. Бу сўзни эшитганингизда қалбингизда беихтиёр ҳурмат ҳисси жўш уради. Бу сўз кўз ўнгимизда бизга ҳарф танитган ёки бизни ўзимиз севиб танлаган касб сари йўллаган фидойи инсонни гавдалантиради. Шундай фидойи инсонлар оғушида ўтган болалик онларингни эсга олиб, қалбинг ҳузурланади, шодликка тўлади. Нега шодланмасин, ўзини ҳаётга тайёрлаётган инсоннинг беғараз мурувватидан нега завқланмасин?! Ҳақиқатдан ҳам маърифатпарвар муаллимдан таълим ва тарбия олган шогирд нақадар бахтли. Дунё эса шогирдлари билан фахрланган устозлар, устозларнинг олқишига сазовор бўлган шогирдлар туфайли янада жозибали ва оқибатлидир. Шу туфайли ҳам "Устоз отангдек улуғ" деган нақл бежизга айтилмаганига иймон келтирасан, киши.

Дунёдаги бор мўъжизалар, гўзалликлар устоз меҳнатининг самарасидир. Шу сабабли, ҳатто энг улуғ инсонлар ҳам устозларига таъзим қилишган. Шу ўринда Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаётидан бир лавҳа келтирсак.

Ҳирот кўчаларидан икки отлиқ — шоҳ Ҳусайн Бойқаро ва вазир Алишер Навоий ўтиб боришар экан. Ногаҳон бир қайрилишга келганда Навоий отдан тушиб, уни етаклаганча пиёда юра бошлабди. Буни кўрган Ҳусайн Бойқаро ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Бу нима қилганингиз?

Шунда Ҳазрат Навоий:

— Бу кўчада устозим Абдураҳмон Жомий яшайди. Устозим яшайдиған кўчадан от миниб ўтсам, унга ҳурматсизлик қилган бўламан, — дебди.

Устозга бўлган бу қадар эҳтиромни кўрган Ҳусайн Бойқаро ҳам беихтиёр отдан тушиб, пиёда юра бошлабди.

Бир куни Искандардан:

— Сен устозингни отангдан кўра кўпроқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? — деб сўрабдилар.

— Ҳа, отам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди, — деб жавоб берибди Искандар.

Демак, устозларга нисбатан миннатдорчилик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган қадриятлардан бири бўлиб келмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан кейин таълим соҳасидаги эски қолиплардан воз кечилиб, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизим барпо этилди. Мактаб — бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланган. Ёш авлод таълим-тарбиясига давлат иши даражасида қаралиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди. Ана шу меъёрий ҳужжатлар олий ва ўрта махсус таълим тизимини ривожлантиришда жуда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугуннинг талаби ёшларимиздан компьютер билан, қолаверса, интернет билан ишлашни ва ундан унумли фойдалана олишни, чет тилларини мукаммал билишни тақозо этмоқда. Саодат манзилига етишнинг ўзига яраша юки бўлади. Ана шу юкнинг салмоқли қисми ўқитувчи ва мураббийлар елкасида. Касблар ичида энг хайрлиси, энг гўзали илм ўргатиш, тарбия бериб инсонга яшамоқ мазмунини англатиш саналади. Бу эса устоз-муаллимларга насиб этган бахтдир.

Жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ.

— Аждодларимиз шогирд тарбиялашни кўчат ўтқазиб, унинг ҳосилга кирганлигини кўриш бахтига бежиз қиёсламаганлар, — дейди математика фани билимдони, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори Раъно Содиқова. — Ўзимнинг шогирдлик мақомидан устозлик даражасигача босиб ўтган ҳаёт йўлимни кўз ўнгимдан ўтказиб, атрофимда "устоз" дея гирдикапалак бўладиган, ҳар бири ўзгача меҳр билан мурожаат этадиган шогирдларимни кўрганимда беихтиёр илк устозларим ва улардан сабоқ олган бахтиёр онларим ёдимга тушади. Устозлар таълимини олиб, маҳорат чўққиларига кўтарилиш, вақти келганда ўзинг ҳам устоз бўлиб, ёшларга таълим бериш улуғ бахт. Лекин шуни унутмаслик керакки, бугун Ватан тараққиёти, миллат истиқболи учун дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустаҳкам иродага эга, мустақил юрт туйғусини теран англайдиган, бегона оқим ва ғояларга қарши қатъий турадиган авлодни тарбиялашда устоз ва мураббийлар зиммасига алоҳида масъулият юкланган.

Ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этишиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига бундай юқори натижаларга эришилаётгани эса ҳеч кимга сир эмас.

Бу ёруғ оламда ҳар бир инсон унга маърифат ва билим дунёси эшикларини очиб беришда заҳмат чеккан устоз ва мураббийларга нисбатан чексиз миннатдорлик туйғуси билан яшайди, уларни кўрганда қўллари кўксида таъзимда бўлади.

Институтни битириб, иш фаолиятини бошлаган ёш мутахассиснинг бирданига ишга киришиб кетиши осон эмас. Шу сабабли Қашқадарё вилоят прокуратурасида "Устоз-шогирд" анъанаси йўлга қўйилган. Ёш мутахассислар юксак касбий малакага эга бўлган тажрибали ходимларга бириктириб қўйилади. Шунингдек, узоқ йиллар прокуратура органларида самарали ишлаган, айни пайтда нафақада бўлган Тўра Нодиршоев, Олим Худойқулов, Саида Ибрагимова, Бобомурод Анваров, Қалқон Аҳмедов, Бўри Мўминов, Маҳмасоат Жўраев, Баҳром Қудратов, Хайрулла Ҳамроқулов сингари юксак билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган устозлар ҳам бу юмушдан четда қолишаётгани йўқ. Улар билим ва кўникмалар ҳосил бўлишида ёшларга яқиндан ёрдам бераяптилар.

Устоз ва шогирд ўртасидаги бундай муносабатлар биров учун қайғуриш, бошқаларнинг бахтли ва ғам-ташвишли кунларига шерик бўлиб яшай билиш хислатларини тарбиялайди. Юракдан, самимият билан ўзаро ҳурмат асосида ўрнатилган муносабат яхшиликка, ривожланишга йўл очиши азалдан маълум. Зеро, катталар орттирган ҳар бир тажриба ёшлар учун ибрат мактабидир. Ёшларимиз танлаган касб-корлари, кундалик машғулотлари ҳақида фикр юритишга ундовчи устозлар сабоқларидан тўғри хулоса чиқарсалар, ишда ва ҳаётда қоқилмасликлари, ютуқларга эришишлари тайин.

Зотан, ҳаётда нимагаки эришган бўлсак, бунинг замирида муҳтарам устозларимизнинг улкан меҳнати ётганлигини тасаввур этишнинг ўзи инсонни тўлқинлантириб, олис ва беғубор хотиралар сари етаклайди.

Фурсатдан фойдаланиб, устоз ва мураббийларимизни, таълим тизимининг барча ходимларини «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан муборакбод этамиз. Сермашаққат ва шарафли ишларида уларга улкан муваффақиятлар тилаймиз.

# Эъзоз ва эътибор

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

***Мамлакатимизда истиқлол йилларида ягона узлуксиз таълим тизимининг яратилганлиги ва 1997 йил 2 августдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонун таълимнинг барча йўналишларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун етарлича имконият яратди. Бу тизимда асосий эътибор таълим-тарбиянинг миллий заминини мустаҳкамлашга, соҳа бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, унинг моддий-техника базасини замон талабларига мослаштиришга, таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга қаратилди.***

Энг муҳими, юртимиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ мактабларга, ўқитувчи-мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига ҳам эътибор кучайтирилди. Юртимизда 1 октябрь "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" деб эълон қилиниб, уни бутун Ўзбекистон аҳолиси умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонлаб келмоқда.

Ҳар байрамда устоз ва мураббийларни табриклашга ошиққан ўқувчилардаги ўзгача кайфиятни кўрган кишининг ёдига ўзининг устозлари келиши табиий. Айниқса, бу кунни боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, коллеж ҳамда олий ўқув юртлари талабалари хурсандчилик билан қарши олиб, совғалар кўтариб, устозлари олдига ошиқаётганлиги Ўзбекистонимиздаги мураббийларга шогирдларининг меҳри баландлигининг бир кўринишидир. Жажжи қўлларида гул кўтарган ўқувчиларни кўча-кўйда кўриб, хаёлан болалик чоғига қайтамиз. Яна бу куни мактабларда "Биринчи устозим" шиори остида деворий газеталар тайёрланиб, қўшиқ ва шеърлар айтилади, шу орқали эса устозларнинг шарафли меҳнатлари эътироф этилади.

Давлатимиз томонидан ҳар йили мураббийларимиз касб байрамлари муносабати билан унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланмоқдалар. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги фахрий унвонларининг кўплиги, юртимизда илм-фан ва таълим-тарбиянинг аҳамияти нақадар юксаклигини кўрсатади. Республикамизда жорий қилинган "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби", "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонлари билан бугунгача кўплаб таълим соҳасининг жонкуярлари мукофотландилар.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида устоз ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир. Уларни бир сўз билан "тафаккур гулшанининг соҳиблари" деб таърифласак, муболаға бўлмайди. Келажак ёшларникидир. Шундай экан, уларга таълим ва тарбия берадиган меҳридарё ўқитувчилар доимо эътирофдалар.

Шу ўринда бир ҳикоят ёдимга тушди. Бир вақтлар Мавлоно Танбурий деган устод мусиқачи ўтган экан. У киши танбур, дутор, най, чангни шундай маҳорат билан чалар эканки, эшитган киши сел бўлиб кетаркан. У кишининг шогирд танлашда қизиқ бир одатлари бўлиб, ким шогирд бўламан деса, дарров қўлига чўп ёки ҳассаларини тутқазар эканлар.

Бир бой ўз ўғлини зўр мусиқачи бўлади деб, устоз Танбурийнинг олдига олиб келибди. Устод берган ҳассани бола бир қарич, икки қарич деб ўлчаётганини кўрган устоз: "Йўқ, болангиздан мусиқачи эмас, савдогар чиқади", — дебди.

Яна бир кишининг боласи берилган ҳассани кеса бошлаганини кўриб, устоз ундан мусиқачи эмас, дурадгор чиқишини айтибди. Бошқа савдогарнинг ўғли ҳассани от қилиб минишини кўриб, ундан чавандоз чиқишини айтади. Шундай қилиб, устоз шогирд бўламан деб келган болаларга синаш учун берилган чўпни ерга тиқса — боғбон, қилич қилиб ўйнаса — сарбоз деб жўнатиб юбораверибди. Фақат бир усти юпун бола ҳассани найга ўхшатиб чала бошлабди. Буни кўриб, Танбурий ғоят хурсанд бўлибди-да, болани ўзига шогирдликка олибди. Унга бор ҳунарини кунт ва сабр-қаноат билан ўргата бошлабди. Бола ҳам зеҳнли экан, устознинг айтганларини дарров англаб, қайта-қайта такрорлаб, кейинчалик машҳур найчи бўлиб етишибди.



Устозлар ёш авлодни ўсиб-унишида, камолотга эришишида, илм-маърифат чўққиларини забт этишида асосий вазифани бажаришини инкор эта олмаймиз. Бу йўлда улар ўз умрини, қалб қўрини, ақл-идрокини, тажрибаси ва билимини аямайди.

Мутафаккир алломаларимиздан бири Абдулла Авлоний айтганидек, "Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадур". Аллома бу гаплари билан "бола тарбиялашда асосий ролни муаллим эгаллайди" деб уларнинг ишлари нақадар улуғ эканлигини таъкидламоқда.

Фарзандларимизнинг ақлий ҳамда жисмоний етуклигида устоз ва мураббийларнинг ўрни катта. Устоз ва мураббий номига мушарраф бўлган азиз инсонларга бўлган эҳтиромимизни муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрлари билан якунламоқчимиз: "Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз". Зеро, шарафли касб эгаси бўлмиш ўқитувчи ва мураббийлар тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади.

**Тадбир**

# Қонун — инсон эркинликлари кафолати

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

**Бахромжон ИРМАТОВ,**
Бухоро вилоят прокурори ўринбосари

2012 йил 12 июлда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Сенат томонидан маъқулланган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятида ҳам аввало, инсон манфаатлари, унинг ҳаёти, эрки ва ҳуқуқлари қонун ҳимоясида эканлиги акс этган. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари — прокурор, судья, терговчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддасига киритилган ўзгартишга асосан "... суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ушбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколатли шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим"лиги белгилаб қўйилди. Ёки 259-моддада: "...суднинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда терговчини, прокурорни, судни хабардор қилиши шарт"лиги замирида ҳам инсон манфаатлари мужассамлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, хорижий экспертлар Ўзбекистонда нафақат иқтисодий, балки суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳам юқори баҳолашлари бежиз эмас. Зеро, соҳадаги ислоҳотлар амалда қонунийликни мустаҳкамлаш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

Давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини оширишда халқаро ҳуқуқ нормаларига оғишмай риоя этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Конституциямизнинг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимоя этилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилганки, бу ҳар бир прокуратура органи ходимининг асосий вазифаси тегишли мутасадди идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларига ҳамда Ўзбекистон иштирокчи ҳисобланган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашдан, хорижий давлатларда бўлган Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Жорий йилнинг 21 сентябрь куни вилоят прокуратурасида прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар идоралари терговчилари, шаҳар-туман судларининг раислари иштирок этган навбатдаги ўқув амалий семинарида ҳам жиноят процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонуни талаблари ҳамда жорий йилнинг 25 май куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг амалиётга татбиқ этилиши ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда аниқ факт ва рақамларга асосланган интерфаол маҳорат сабоқлари ўтказилди. Қонун нормаларини ўз вақтида амалиётга жорий қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши тергов амалиёти сифат-самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, жиноятчилик кўрсаткичлари йил сайин камайиб бораётган Бухоро вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 2259 та жиноят ишлари қабул қилиниб, 1572 та жиноят иши тамомланган, 2403 нафар шахсга нисбатан 1548 та жиноят иши судга юборилиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланган. Шу даврда прокуратура ва ички ишлар идоралари ҳамда бошқа идора терговчилари томонидан тергов қилинган жиноят ишлари судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилмаган. Муҳими, бирон-бир шахс ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилмаган ва ҳибсга олинмаган.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимлаётган мамлакатимизда Президентимиз таъбири билан айтганда, "бугунги кунда сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини том маънода ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кўп маротаба қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз". Зотан, қонун эркинлик ва фаровонлик кафолатидир.

# Чегарани четлаб...

**Илҳомжон ПАЙЗИЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори
**Икромжон ЖАКБАРОВ,**
Департаментнинг Учқўрғон туман бўлими бошлиғи

***Шерзод Қорабоев ўзи туғилиб-ўсган Норин тумани марказини айланиб юриб, Қирғизистон Республикасида яшовчи Арслон исмли киши билан танишиб қолди. Ҳаммаси ўшандан кейин бошланди.***

— Бизда хўжалик буюмларининг нархи жуда арзон, — деди у оғзини тўлдириб. — Агар уларни бу ерга олиб келиб сотсанг борми, нақд пулнинг тагида қоласан!

"Пул" деган сўз кўпчилик қатори Шерзодни ҳам бефарқ қолдирмади. Шу боис суҳбатдошининг оғзига термулди.

— Аслида мен бу ерлик эмасман-да, бўлмасам-ку... — яна гапида давом этди Арслон. — Шундай кучга тўлган бола экансан, савдо-сотиқ билан шуғулланмайсанми?

— Майли-куя... — Шерзод бироз тараддудланди. Кейин очиғини айтиб қўя қолди. — Савдо иши учун ҳам кў-ўп пул керак, ака! Ўзича бўлаверса экан...

— Агар ўзингда хоҳиш бўлса, мен ёрдам бераман, — пул топиш ҳақида гапирганда, Шерзоднинг кўзлари чақнаб кетганини кўргач, уни авраб кетди. — Мен Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг чегарасига товарларни олиб келиб бераман, сен уларни пуллашни эплайсанми?

— Билмасам... — иккиланди Шерзод.

— Э-э, эплаб кетасан! — унга далда берган бўлди Арслон. — Қўлинг пул кўрсин, ортимдан ўзинг ялиниб қоласан...

Шерзод бу гапга кулиб қўйди.

— Сен телефон рақамингни бер, товар бўлиб қолса, ўзим хабар бераман, — деди кетар олдидан Арслон.

Унинг таклифи жиддийлашиб бораётганидан хавфсираган Шерзод яна ўйланиб қолди:

— Ака, айтдим-ку, менда савдо-сотиқ учун пул йўқ...

— Бу ёғини ўйлама! — Арслон тантилардек йигитнинг кўнглини кўтарган бўлди. — Мен товарни насияга келтириб бераман. Сен уларни сотгач, пулини бераверасан, келишдикми?

Шерзод рози бўлди. Ўша куни Арслон шунчаки таклиф билдиргандек эди. Аммо орадан бир ҳафта ўтгач, кутилмаганда йўқлаб қолди:

— "Қўғай"га яқин жойга 15 миллион сўмлик хўжалик молларини олиб бораман. Иложини топиб, уларни Ўзбекистонга ўтказасан. Ҳисоб-китобни товарни сотиб бўлганингдан кейин қиламиз! Фақат шерикларинг ишончли бўлсин!

Шерзод "Қўғай" қишлоғида Фарҳод исмли таниши борлигини эслади-ю, унга қўнғироқ қилди:

— Чегарага яқин жойда юк бор. Уни ишончли танишникига ташиб берсанг, ўша ердан олиб кетаман. Фойдасидан сенга ҳам бераман!

Фарҳод рози бўлди. Ҳатто бу товарлар чегарадан ноқонуний тарзда ўтиши жиноят эканини билса-да, парво қилмади. Аксинча, ўзларига шерик излашга тушди. Шу пайт ёдига маҳалладоши Акрам тушиб қолди.

— Битта танишимнинг "Унтом" томонда юки бор, уни бирорта танишникига яшириб қўйиш керак, — деди очикчасига. У Қирғизистон Республикасининг "Унтом" қишлоғини назарда тутаётганди. — Ҳар бир рейсимиз учун 50 минг сўмдан беради. Борасанми?

Акрамга ҳам пул керак бўлиб турган чоғи, кўна қолди.

— Аммо юк ҳали Қирғизистонда... Бир ишкал чиқармай, эгасига топширсак, пулини шундоққина санаб беради.

Улар ўша куни Фарҳоднинг таниши Абдуқаҳҳорни ҳам ўзларига шерик қилишга эришишди.

Фарҳод ва Акрам ўзларига тегишли автомашинада Шерзод аввалдан тайинлаган манзил — Учқўрғон тумани "Қўғай" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қирғизистон билан чегарадош "Унтом" ҳудудига йўл олишди.

Йигитлар етиб келишганда, "Форд"га юкланган мол шундоққина ариқ бўйида турарди. Фарҳод Акрам билан бирга ушбу буюмларни ўзларининг машиналарига юклашди. Уларнинг барини Абдуқаҳҳорнинг уйига ташиб олиш учун тўрт "рейс" қатнашларига тўғри келди.

— Худога шукур! — енгил нафас олди Фарҳод охирги "юк"ни манзилга олиб келгач. Аммо... Кетма-кет Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти ва ИИБ ходимлари кириб келишганини кўриб, ранги докадек оқариб кетди...

У ушбу товарларнинг ҳужжатлари сўралганда, нима дейишини билмай, тилини тишлади. Ҳозиргина катта фойда орзусида тўлиб-тошиб режа тузаётган гуруҳ аъзолари ноилож қилмишларини тан олдилар. Шунингдек, бу ноқонуний ишлар Ш.Қорабоев бошчилигида амалга оширилаётганини ҳам айтиб беришди.

Тергов ҳаракатлари давомида уюшган жиноий гуруҳнинг барча кирдикорлари фош этилди. Бундан ташқари, ашёвий далил сифатида олинган 35 турдаги хорижда ишлаб чиқарилган хўжалик буюмлари 25 млн. 14 минг сўм экани, Ш.Қорабоев бу ноқонуний савдодан 10 млн. сўм фойда олишни кўзлаган ҳолда ушбу ишга қўл урганини ҳам маълум бўлди.

Суд Ш.Қорабоев, А.Салаев, Ф.Астанаев ва А.Тоировнинг қилмишларини ўрганар экан, уларни турли муддатларга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, ашёвий далил сифатида олинган 25 млн. 14 минг сўмлик буюмлар, қолаверса, жиноят қуроли, деб топилган иккита автомашина давлат фойдасига мусодара қилинди.

Бу ерда ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Сабаби, ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришнинг оқибатлари шундоққина аён бўлиб турибди. Яъни, бойлик илинжидаги кимсаларнинг йўқотгани топганидан кўпроқ бўлди. Хулоса эса ўзингиздан...

# Огоҳ бўлинг... тўй бўлаяпти!

**Жаҳонгир БАЗАРОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

***Халқимизда "Тўйларга етказсин", "Топганинг тўйларга буюрсин" каби эзгу тилакларни ҳар доим ишлатишади. Бу эзгу нияти ўзига ҳамроҳ бўлгани боисми, хонадонларимизда ҳар доим бешик тўй, суннат тўй, никоҳ тўй каби тўйлар аримайди. Карнай-сурнай овози янграса билингки, ўша ёқда тўй бўлаяпти. Кимнингдир нияти ушалиб, кўзининг оқу-қораси — фарзандининг тўйини қилаяпти. Ана шу қувонч ва сурур боисми, тўй эгасининг юзидан табассум аримайди. Қўли кўксида, лабда табассум билан меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олаверади.***

Тўйлар ҳақида кўп гаплар айтилаяпти. Уни имкон даражасида камхаржроқ қилиб ўтказиш масаласи жойларда, маҳаллаларда тушунтирилаяпти. Аммо бу айтарли натижа бераяпти, деб айтолмаймиз.

Халқимизнинг эътиборли ва кўзга кўринарли тўйи, шубҳасиз никоҳ тўйидир. Бу тўй йилдан-йилга мураккаб кўринишли саҳна томошасига айланиб бораётгани ташвишланарли ҳол. Катта кўчаларни тўлдириб, қувлашмачоқ ўйнаётган йигирма-ўттизтача машиналар оқими нафақат ҳайдовчиларни, балки барчани "ҳайрат"да қолдирмоқда. Хориж машинасида келин-куёвлар бутун дунёни лол қолдиришга қодирдек туюлади. Бу машиналар карвони шаҳарнинг камида уч-тўртта диққатга сазовор жойларига боришади. Бу узундан-узун машиналар карвони қувлашмачоқ ўйнашади. Ширакайф йигитлар ўтирган машинани бошқа машиналардан ўздириб кетишга ҳаракат қилишади. Худди шундай бошқа машинадаги йигитлар ҳам "сендан ортда қолмайман" қабилида иш тутади.

Бу "карвон"даги машиналарнинг сони ортиб боришига куёвжўралар ҳам сабаб бўлмоқда. Баъзи жойларда куёвжўралар тўйга тўёна дея биттадан машина қўшадиган одат чиқаришган. Энди йигирма чоғли куёвжўрадан йигирмата машина, тўй эгаларидан ўнтача машина қўшилса, битта кўча торлик қилиб қолмайдими? Иштихон туманида бўлиб ўтган фожеа ҳам тўйга аталган машина сабаб бўлди. Иштихонлик Сардор ўртоғининг тўйида "Нексия" автомашинасида хизмат қилмоқчи бўлди. Лекин машинаси йўқ-да. У ўртоғининг олдига борди. "Машинангни икки соатга бериб тур", деб кўнгли бўш ўртоғидан "Нексия"ни олиб, тўйхонага шошди. Лекин ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлиги, йўл ҳаракати қоидаларини етарлича билмаслиги, ҳайдовчилик тажрибасизлиги иккала ўртоқнинг эсига келмади ҳам. Сардор Иштихон туманидан ўтувчи "Самарқанд-Бухоро" йўлида машинани елдек учириб бораркан, машинани бошқара олмай қолди. Оқибатда йўл четида велосипед ҳайдаб кетаётган Раҳимжон Хўжановни босиб кетди. Автомашина бир неча марта думалаб йўл четига чиқиб кетди. Р.Хўжахонов воқеа жойида вафот этди. Сардорнинг ўзи оғир тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилди.

/Давоми 10-бетда/

# Янги шароитдаги талаб

*Мен корхонага яқинда раҳбар этиб тайинландим. Аввалги ишим бошқа соҳада бўлганлиги учун янги соҳани аста-секин ўзлаштираяпман. Янги жойдаги иш шундайки, ходимлар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришлари керак экан. Шу сабабли унинг тартиби ҳақида қисқача тушунча берсангизлар?*

**Ф.Анваров,**
Бектемир тумани

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш Меҳнат кодекси, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тарзда вақти-вақти билан амалга оширилиши лозим.

Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

ногиронлар;

меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Қайд этилган тоифадаги ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган "Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бўйича, тиббий кўриклар юқумли ва паразитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек касб касалликлари, заҳарланишлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Агар корхонангиз соғлиқни сақлаш вазирининг юқорида тилга олинган буйруғи билан тасдиқланган 1-3-иловаларида назарда тутилган рўйхатдаги ишларга тўғри келса, ходимларни тегишли равишда меҳнат шартномаси тузиш вақтида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш ташкил қилиниши шарт.

Тиббий кўриклар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар иш давомида ўтказилади.

Иш берувчи ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ва ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 декабригача ташкилотдаги тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаши ва бу ҳақда белгиланган шаклда далолатнома тузиши лозим.

Иш берувчи тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим контингентидан келиб чиқиб ҳудудий ДСЭНМ ва ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатини тузади ва тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига тақдим этади.

Тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатида ташкилот номи, ходимнинг касби, у ишлаётган цех ёки бошқа бўлинма номи, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари ҳамда ходимнинг ушбу омиллар таъсиридаги иш стажи кўрсатилади.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Дастлабки тарзда тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимлар ташкилот томонидан тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтказилади.

Ходим тиббий кўрикдан ўтиш учун паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати билан келади.

Аёллар йилда камида бир марта акушер-гинеколог кўригидан ўтиши лозим.

Аллерген моддалар таъсирига дучор бўлувчи шахслар терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог кўригидан ўтиши ҳамда улар қонининг клиник таҳлили ўтказилиши лозим.

Ходимлар дастлабки тарзда тиббий кўрикдан ўтишда дерматовенеролог кўригидан мажбурий равишда ўтказилади, вақти-вақти билан дерматовенеролог тиббий кўригидан ўтишда эса, врач-терапевтнинг кўрсатмаси бўлгандагина ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтувчи ходимларда психик касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) мавжудлигини текшириш ходимларнинг яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасасининг врач-психиатри томонидан амалга оширилади.

Туман врач-психиатри бўлмаган тақдирда психиатрик текшириш туманлараро ёки вилоят (шаҳар, республика) психоневрология диспансерининг врач-психиатрлари томонидан амалга оширилади.

Агар ходим психик касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турса, унга бу ҳақда белгиланган намунадаги маълумотнома берилади. Агар ходим психик касалликлар бўйича ҳисобда турмаса ва унда руҳий бузилишлар аниқланмаса, унга врач-психиатрнинг имзоси қўйилган белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.



# Йигитлик бурчи

*Мен оилада ёлғиз фарзандман. Ота-онам ногирон. Оилалиман. Икки нафар фарзандим бор. Бундан икки йил аввал туман мудофаа ишлари бўлими мени чақиртириб, бир ойлик ҳарбий хизмат учун шартномага имзо қўйдириб олди. Шундан бери ушбу пулни тўлатиб, хизматга олиб кетмоқчи. Лекин юқоридаги сабабларга кўра бир ойлик ҳарбий хизматга боролмайман. Бундай ҳолатда мени бир ойлик хизматга мажбуран олиб кетишлари тўғрими?*

**И.Омонов,**
Қумқўрғон тумани

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Шунга кўра, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳам ҳарбий хизмат турларидан бири ҳисобланади.

Лекин оилавий шароитингиздан келиб чиқиб, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддати ота-онангиз меҳнатга қобилиятсиз бўлганлиги учун уларни боқишда сиздан бошқа меҳнатга қобилиятли вояга етган ўғил бўлмаганлиги сабабли кечиктирилиши мумкин.

Ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктиришга яна қуйидаги ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин:

— чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

— чақирув кунида чақирилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;

— чақирилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса;

— чақирилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва вояга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса.

Чақирилувчини унинг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Шу билан бирга, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагунларига қадар кечиктирилади.

Таълим муассасаларидан ўқишдан чиқарилган шахслар чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод қилиш масаласига тўхталадиган бўлсак, тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-сингиллиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар.

Ушбу шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин;

3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Жиноий жавобгарликка тортилганлик, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

# Қайси тоифаданман?

*Матбуотда иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринлари яратилди деб жуда кўп гапирилади. Масалан, мен ҳам олдин ишлаб юрган корхонамиз банкрот бўлганлиги учун ишсиз қолганман. Шундан кейин, ўзимга мос келадиган ишни топишда қийналганман. Демак, мен ҳам шу тоифадаги одамларга кираманми?*

**З.Жуманиёзов,**
Хонқа тумани

Бундай тоифадаги одамлар ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

— ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали оталар;

— таълим муассасаларини тугатган ёшлар;

— муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;

— ногиронлар;

— бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар;

— жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
**Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса, бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.**

**Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*/Давоми. Бошланиши 1-бетда/*

4) **217-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт";

5) **220-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Кейинги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори биноан йўл қўйилади";

6) **227-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"227-модда. Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш**

Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ушбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколати шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим";

7) **255—259-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"255-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш асослари ва муддатлари**

Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлгунига қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилинади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш рад қилинган ёки у бекор қилинган тақдирда, айнан ўша айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга лавозимидан четлаштириш учун асос бўладиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

**256-модда. Ишни судга қадар юритиш босқичида айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимидан четлаштириш асослари кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

**257-модда. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур бўлганда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

**258-модда. Суд ажрими**

Судья айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида ёки айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримида: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига қўйиладиган талаб кўрсатилади.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақидаги ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига ижро учун, прокурорга, айбланувчига, ҳимоячига эса маълумот учун юборилади.

Судьянинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, лавозимидан четлаштирилган айбланувчи ишлаган тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест бериш суднинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва айбланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

**259-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримни ижро этиш**

Суднинг айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда терговчини, прокурорни ва судни хабардор қилиши шарт";

8) **265—269-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"265-модда. Суд экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддатлари**

Агар суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини стационар кўрикдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

Руҳий ҳолати айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун тиббий психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Агар шахснинг гумон қилинувчи тарикасида бўлиши муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамом бўлгунига қадар тугаса, унинг руҳий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий психиатрия муассасасидан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тарикасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш зарур.

Жабрланувчилар ва гувоҳлар тегишли суд экспертизасини ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштирилиши мумкин эмас, улар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлигининг фош қилаётган ва улар берган кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, шифокорларнинг стационар суд экспертизасини ўтказиш давомида олинган хулосасига асосан, бу муддат суд томонидан фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Айбланувчининг ишни судга қадар юритиш босқичида тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш суд томонидан прокурорнинг ушбу бобда белгиланган тартибда киритилган илтимосномасига биноан, судланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи тиббий муассасада бўлишининг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор томонидан киритилади.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тиббий муассасага жойлаштирилаётганда, агар бу муассаса қамоққа олинганларни сақлаш учун мослаштирилган бўлса, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолда мазкур эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши керак.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

**266-модда. Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар ва унинг процессуал ҳолати; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; шахс жойлаштириладиган тиббий муассасанинг номи; эҳтиёт чораси тўғрисида таклиф этилаётган қарор кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

**267-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги

жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, ҳимоячи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ўзига нисбатан экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш масаласи кўриб чиқилаётган шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати, қонуний вакиллар иштирокида кўриб чиқилади. Тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойда ёки тиббий муассаса жойлашган ерда, ушбу моддада назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормаларга ва талабларга риоя этилганлигини ҳисобга олади.

**268-модда. Суд ажрими**

Судья шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Суднинг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ажримида: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг процессуал ҳолати; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор, зарур ҳолларда эса, шахсни мазкур муассасага кўчириш тўғрисидаги фармойиш кўрсатилади.

Судья айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақида ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун эса ҳимоячига, жабрланувчининг вакилига, гувоҳнинг адвокатига, қонуний вакилга юборилади.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати ва қонуний вакил томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни қирқ саккиз соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест берилиши суд ажримининг ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришга ёхуд мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

**269-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш**

Стационар суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизаси хулосасини олганидан сўнг прокурор, терговчи қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд экспертизаси натижаларига кўра шахс ақли норасо деб эътироф этилганда унинг тиббий муассасада бундан буён бўлиши тўғрисидаги масала ушбу Кодекснинг

61-боби нормаларига мувофиқ ҳал этилади, жабрланувчи, гувоҳ ақли норасо деб эътироф этилган ёки шахснинг психиатрия ёрдами кўрсатиш талаб этиладиган бошқа турдаги руҳий касаллиги аниқланган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий асосларда ҳал этилади";

9) **273-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганда аниқланган бўлса, унда суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади";

10) **321-модданинг матнидаги** "ва суд" деган сўзлар "ўз ваколатлари доирасида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **322-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги** "прокурор ёки суднинг" деган сўзлар "прокурорнинг" деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **328-модданинг 4** ва **5-бандлари** чиқариб ташлансин;

13) **330-модданинг биринчи хатбошисидаги** "терговчи, прокурор ёки суд" деган сўзлар "терговчи ёки прокурор" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **331-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** "суд эса ажрим" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қарорда: ишни қўзғатиш сабаблари ва асослари; Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини ушбу ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади";

15) **333-модданинг биринчи қисмидаги** "суд эса ажрим", "ёки ажрим", "ёки суд" ва "ёхуд ажримнинг" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **334-модданинг биринчи қисмидаги** "терговчи, прокурор ёки суд" деган сўзлар "терговчи ёки прокурор" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **336-модданинг:**

**биринчи хатбошисидаги** "ёки ажрим" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**1-банди** чиқариб ташлансин;

18) **337-модданинг:**

**2-банди ўзбекча матни** "ҳақлидир" деган сўз билан тўлдирилсин;

**3-банди** чиқариб ташлансин;

19) **374-модданинг:**

**учинчи қисми 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3) эҳтиёт чораларини, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги";

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

20) **382-модданинг учинчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади";

**олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**ўнинчи хатбошисидаги** "айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва" деган сўзлар "шунингдек" деган сўз билан алмаштирилсин;

21) **416** ва **417-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"416-модда. Судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар аниқланганда суднинг ҳаракатлари**

Агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда бутун иш қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши лозим.

**417-модда. Жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суднинг ҳаракатлари**

Агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Тахмин қилинаётган жиноят кўрилаётган иш билан узвий боғлиқ бўлган ва бу ишларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд бутун ишни қўшимча тергов юритиш учун юборади.

Агар суд тергови вақтида била туриб ёлғон кўрсатув берган гувоҳ, жабрланувчи ёки била туриб нотўғри хулоса берган эксперт ёхуд била туриб нотўғри таржима қилган таржимон томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд ҳукм чиқарганидан сўнг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади";

22) **423-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жиноят ишини қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги, ишни тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги, эҳтиёт чораларини қўллаш (ўзгартириш, бекор қилиш) тўғрисидаги, айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, рад қилишлар тўғрисидаги ажримларни, шунингдек хусусий ажримларни суд алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқаради";

23) **439-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида эълон қилади. Суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди";

24) **457-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

"16) судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми";

25) **471-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1) судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 255—260-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор; Қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 283—289-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор";

26) **473-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** "ҳукмни эълон қилади" деган сўзлар "ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукмнинг қарор қисми эълон қилингандан кейин, мазкур қисм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилиши керак".

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1—2, 11-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **19-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади".

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда; 2001 йил, № 1—2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9—10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **152-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар суд хўжалик низосини кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади".

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 сентябрь
№ ЎРҚ—335

*«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 19 сентябрдаги 185-сонидан олинди*

# Муҳим таянч

***Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида улар жамият тараққиётининг мустаҳкам таянчига айланмоқда. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида хусусий тармоқ вакилларини ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ва тобора мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолатдир.***

Шуҳратжон ҲУСАИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК
Департаменти бўлим бошлиғи

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобланиб, уларнинг фаолиятига қўйилаётган бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, молия-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувларга чек қўйиш, қоидабузарларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қатъий қўллаш белгиланди. СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари ҳам тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ, суиистеъмолчиликлар, коррупция ҳолатларига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар тўғрисида жойларда фуқаролар ҳамда тадбиркорлар иштирокида банк, солиқ ва бошқа мутасадди идораларнинг вакиллари билан ҳамкорликда учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур учрашув ва очиқ мулоқотларда фуқароларга тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асослари, берилаётган имконият ва имтиёзлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид профилактик тадбирлар ва тушунтиришларга қарамасдан қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 142 та тадбир давомида 29 та порахўрлик, 8 та ҳолатда кредит ажратишдаги суиистеъмолчиликлар, 42 та ҳолатда тадбиркорнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини ўзлаштирганлик, 7 та ҳолатда фермер хўжаликларига ажратилган ёқилғи ва минерал ўғитларни ўзлаштирганлик билан боғлиқ ва бошқа кўринишдаги жиноятлар фош этилди.

Айрим фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга оид тегишли қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунмасдан, давлат рўйхатидан ўтмай туриб, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш билан шуғулланганликлари аниқланди. Улар билан олиб борилган тушунтириш ва профилактика ишлари ўз натижасини берди. Бу каби фуқаролар қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиши учун амалий ёрдам берилган. Жумладан, Департаментнинг Янгиариқ туман бўлими томонидан мунтазам равишда транспорт хизмати кўрсатиш истагида бўлган фуқаролар билан ўтказилган тарғибот тадбири давомида махсус рухсатномасиз автомобилда йўловчи ташиш билан шуғулланганлик учун қонунда жавобгарлик белгилангани тушунтирилиши натижасида 38 нафар фуқаро "Янгиариқ автомобилчи" МЧЖга аъзо бўлиш истагини билдирди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин шуғулланаётган шахслар етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаган тақдирда ҳамда содир этилган қонунбузарликнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳолатларда жиноят иши қўзғатилиши рад қилиниб, уларнинг фаолиятига қонуний тус бериш, шу тариқа янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан фуқаролар О.Ишонқулова, М.Юлдашева ва К.Абдуллаев белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида яширин тарзда, аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқариш цехи ташкил қилганликлари аниқланди. Терговолди текшируви жараёнида амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида уларнинг фаолиятига қонуний тус берилди. "Oydin and Sevinch" хусусий корхонаси ташкил қилиниб, янги 10 та иш ўрни яратилди. Юқорида номлари зикр этилган фуқаролар ҳаракатида жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да, қонунбузарликнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаганлиги инобатга олиниб, ЖПКнинг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилиши рад этилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир пайтда шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган айрим мансабдорлар томонидан улар фаолиятига ҳар хил асоссиз тўсиқлар қўйиб, пора талаб қилиш ҳолатлари учраб турганлиги ачинарли ҳолдир. Жумладан, Андижон шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи С.Тошматов фуқаро Ф.Усмоновадан аёллар салони ва савдо дўкони қуриш учун ер ажратиб бериш эвазига ундан 7500 АҚШ доллари талаб қилиб, шундан аванс тариқасида 5000 АҚШ долларини олган вақтида ушланган. Шунга ўхшаш яна бир мисол. Олмалиқ шаҳридаги "Сувоқова" ИЧШКга қарашли "Сартамғали сувоқова" участка машинисти Ж.Досув фуқаро Д.Омиловдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 1 га. ер майдони ажратиш масаласини раҳбари орқали ҳал қилиб бериш эвазига 400 АҚШ доллари олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун етарли шарт-шароит яратилиши давлатимиз равнақи, халқимиз фаровонлигининг муҳим омилидир. Шундай экан, юрт тараққиёти йўлида тер тўкаётган тадбиркор ва ишбилармонларимизга, кичик ва оилавий бизнес вакилларига кўмак бериш, таянч бўлиш Департамент органларининг доимий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

# Сохта тадбиркорларнинг сохта фаолияти



Бахтиёр НОРМЎМИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
шахсий таркиб бўйича инспекцияси бошлиғи

***Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар тобора салмоқли аҳамият касб этмоқдалар. Ҳамюртларимиз онгида тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникмалари шаклланиб, ҳалол меҳнат, ўз касбининг устаси бўлиш орқали ўзи ва оиласи фаровонлигига, давлат ва жамият ривожига улуш қўшаётганлар сафи кун сайин ортиб бораяпти. Бироқ яратилган кенг имконият ва имтиёзлардан ғараз мақсадлар йўлида фойдаланишга, ноқонуний йўллар билан бўлса-да, мўмай пул топишга уринаётган сохта "тадбиркор"лар ҳам учраб турибди.***

Ана шундай "тадбиркор"лардан бири Акбар Раҳимбеков 1952 йилда Тошкент вилоятида туғилган. У муқаддам ҳам қонунларимиздан ташқарига чиққани учун жазоланган бўлса-да, ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олмаган экан. Матлуба Турсунова ҳам ёш бўлса-да, "қора курси"га бир марта ўтиришга улгурган экан.

А.Раҳимбеков 2011 йил июнь ойидан бошлаб ўзи яшаб келган Юнусобод тумани Ю.Мўминов кўчаси 41-уйда яширин цех ташкил қилиб, ноқонуний равишда алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариб келган. Бу билан у Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари"ни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузган. М.Турсунова эса унинг яширин цехини ноқонуний равишда спирт маҳсулоти билан таъминлаб турган. А.Раҳимбеков ушбу спирт маҳсулотларидан қўлбола усулда ҳар ойда 200 донадан ароқ ишлаб чиқариб, сотиш учун жойларга етказиб турган. "Ноқонуний иш келтирар ташвиш" деганларидек, бу икки сохта тадбиркорнинг фаолиятига нуқта қўйилди ва ЖКнинг бир неча моддалари билан айбдор деб топилиб, тегишли жазосини олишди.

Унутмаслигимиз керак, республикамизда инсон соғлиғи устувор ҳисобланади. Шунинг учун инсон соғлиғига таҳдид солувчи бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг зудлик билан олди олиниб, дарҳол тегишли чоралар қўлланилади.

***Жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ўзига хос қонун-қоидалар, анъанавий мезонлар бор. Дейлик, майдондаги ўйинчи қоидани бузди. Футбол ҳакамИ дарҳол унга жарима белгилайди. Агар йўлда кетаётган ҳайдовчи ўз бурчини унутса, ЙҲХ ходими дарҳол ҳуштак чалади. Бу каби мисолни ҳар бир соҳада топиш мумкин.***

# Ижара уйдаги эътиборсизлик

## қўшниларга 121 миллион сўмлик зарар келтирди



Муҳаммадазиз ЮЛДАШЕВ,
Андижон шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси

Андижон шаҳрининг 2-даҳасидаги квартирада 5 йилдан бери ижарада яшовчи Анваржон Режапов ана шу ҳақиқатни унутиб қўйди. Кишиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини мувозанатга солувчи қонунларга беписандлик, лоқайдлик билан қаради. "Қоидани бузганимни ким кўриб ўтирибди? Билганимни қиламан", қабилида иш тутди. Аммо бу билан адашганини, хатога йўл қўйётганини тушунмади...

Қиш кунларининг бири эди. "Уйим иссиқ бўлсин, газ тинимсиз ёниб турсин", деб ўйлаган Анваржон аввалдан олиб келган "LG" русумли газ тортиш мосламасини қўлбола усулда ўрнатиб, табиий газ ускуналарининг хавфсиз ишлатилишига хонадон эгалари ёки ижарачиларининг жавобгарлиги борасидаги талабларни қўпол равишда бузди.

"Агар газчилар келиб қолса, газсўрғични ўчириб, яшириб қўяман", деб ўйлаганди у. Ҳар замонда ўрнатилган газсўрғичнинг қандай ишлаётганини текшириб қўярди. Кунларнинг бирида газсўрғични назоратсиз қолдирганлиги хаёлидан кўтарилди. Кутилмаганда уй ичига табиий газ сизиб чиқиб, қаттиқ чақнаш содир бўлди. Энг ачинарлиси, у яшайдиган кўп қаватли уйда жойлашган 12 та хонадонга моддий зарар етказилди.

Шу ўринда яна бир жиҳат диққатни тортади. Андижон туманилик Муҳаммадиброҳим Жабборов "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Андижон шаҳар филиали ҳудуд устаси лавозимида ишлар эди. У ўз ҳудудидаги хонадонларда газ ҳисоблагичларнинг юритилиши ва ишлатилиши қонунийлигини текшириши, ноқонуний мосламаларнинг ишлатилишига йўл қўймаслиги зарур эди. Аммо у ҳам ўз ваколати доирасидаги вазифаларга совуққонлик билан ёндашди. Оқибатда у ҳам катта хатога йўл қўйди. Хатонинг натижаси эса маълум.

Халқимизда қишнинг ғамини ёзда е, деган ибратомуз нақл бор. Шу боис ҳар йили мамлакатимиз ҳукумати томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, мавсумдан аҳолини беталофат олиб чиқиш борасида қаттиқ тайёргарлик кўриладИ. Газдан оқилона фойдаланиш бўйича керакли йўл-йўриқлар ишлаб чиқилган. Қонунга амал қилмай, ўзбошимчалик билан иш тутганлар эса Анвар Режапов ҳамда Муҳаммадиброҳим Жабборов сингари жиноят курсисига ўтириб, афсус чекишдан нарига ўтолмасликлари беш қўлдек аёндир.

# Ота-бола фирибгарлар



*Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг мажлисида ота-бола Тойиржон ва Фарҳоджон Муҳаммадалиевларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди. 54 ёшга кирган Тойиржон айбига иқрор бўлмади.*

**Аҳроржон АСҚАРОВ,**
Бағдод туман прокурори

— Ҳақиқатдан туман ер-мулк кадастр бўлимида ер тузувчи раҳбар бўлиб ишлаганман, — деди судланувчи. — 2007 йил 25 апрель куни Шўроқер қишлоғилик Р.Юлдашевга "Мирзаобод лочинлари" номли ММТПдан фойдаланиб туриши учун 0,15 гектар ер майдонини олиб берганман. ММТП раиси Ш.Тожибоев тракторларга эҳтиёт қисмлар олиш учун қарз сўраган эди. Р.Юлдашевдан қарзга 1 млн. 400 минг сўм пулни олиб берганман. Қарз ҳисобидан Р.Юлдашев трактор парки ҳудудидаги бузилган деворнинг пишиқ ғиштларини ташиб кетган.

2009 йилнинг август ойида ўғлим Фарҳод синфдошини ишхонамга бошлаб келди. Уй қуриш учун томорқа керак экан. Бир танишим томорқасини сотмоқчи эди. Ўғлимнинг синфдоши М.Солиев ўша томорқани менга олиб беринг деб, 1 млн. 600 минг сўм бериб кетди. Бироқ танишим томорқасини сотишдан айниб қолди. Пулни ишлатиб қўйиб, ўз вақтида қайтариб беролмадим.

2009 йилнинг август ойи охирроғида туман марказининг Бўстон кўчасида яшовчи танишим М.Қодирова томорқа олиш ҳаракатида юрганини кўриб қолиб, ҳужжатларни тайёрлашга 200 АҚШ доллари олдим. Унга ер олиб бераман деганим йўқ, ҳужжатларни тезроқ тайёрлатиб бермоқчи бўлдим.

2011 йил июнь ойида танишим С.Азизов ўртоғи Д.Тиллаевни бошлаб келди. Битта фермер хўжалигининг дала шийпонини хусусийлаштириб олишига қарашиб юборишимни сўради. Ҳужжатларни тезроқ расмийлаштириб бериш эвазига ундан 400 АҚШ доллари олдим. Бироқ Д.Тиллаев мен сўраган ҳужжатларни келтириб бермади, иш чала қолди. 2012 йил февраль ойида телефон қилиб, яна 200 доллар обориб берай, тезроқ ҳужжат қилдириб беринг, деди. У 200 долларни келтириб берганида мени ҳибсга олишди. Ҳозир етказилган зарарларнинг ўрни қопланди. Фақат Р.Юлдашевдан олган 1 млн. 400 минг сўм қарзни тўлаганим йўқ. Қарзни ММТП раиси Ш.Тожибоевнинг ўзи тўлаши керак...

Суд мажлисида Т.Муҳаммадалиевнинг ўғли, судланувчи Фарҳоджон Муҳаммадалиев айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатма берди.

— Жабрланувчи М.Солиев синфдош ўртоғим бўлади. 2009 йилнинг август ойида томорқа олиб уй қурмоқчиман, деди. Дадам кадастр бўлимида бошлиқ, ер ажратгизиб беради, деб уни дадамнинг олдига бошлаб бордим. Синфдошимга томорқа ер олиб беринг, деб илтимос қилдим. Дадам рози бўлди. Уларнинг пул олди-бердисига аралашганим йўқ. Ўзлари келишиб олишган.

2011 йилнинг 13 октябрь куни Бағдод-Ултарма йўналишида йўловчиларни ташишни назорат қилаётгандим. Б.Очилдиев "Дамас" русумли машинасида лицензиясиз одам ташиётган пайтида туман солиқ инспекцияси ходимлари олиб кетишди. Идорада ҳайдовчи ҳаммамизни ҳақорат қила бошлади, ўзимни тута олмай уни урдим. 2012 йил 22 февраль куни менга ҳайдовчилардан бири телефон қилиб, "Дамас" машинасининг ҳайдовчиси М.Нуралиев навбатсиз йўловчи ташиётганини айтди. У шоҳбекатга етиб келганида, "нега навбатсиз одам ташияпсиз десам", мени ҳақорат қилди. Иккаламиз жанжаллашиб, ёқалашдик. Уни уриб юбордим. Кейин билсам, Б.Очилдиев каби М.Нуралиев ҳам касалхонага бориб ётиб олган экан. Жаҳл устида муштлашдим. Пушаймонман, энди бу такрорланмайди. Оилавий шароитимни эътиборга олиб, енгиллик беришингизни сўрайман.

Гарчи, Т.Муҳаммадалиев иқрор бўлмаса-да, унинг айби ашёвий далиллар, жабрланувчиларнинг холисона кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топди. "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат унитар корхонасининг низомига кўра, томорқа хўжалиги учун ер ажратиб бериш ваколатига эга бўлмагани ҳолда, судланувчи ўғли билан жиноий тил бириктириб, таниш-билишларига дала шийпонини хусусийлаштириш, томорқа ер олиб беришни ваъда қилиб, бир неча марта пора талаб қилиб олган.

Жабрланувчи Д.Тиллаев ўзининг кўрсатмаларида баён этганидек, ҳақиқатдан ҳам 2011 йил июнь ойида ўзи ишлаётган фермер хўжалигининг дала шийпонини хусусийлаштириб олиш мақсадида илгари кадастр бўлимида ишлаган С.Азизовга учраган. У кадастр бўлимида ишлайдиган Т.Муҳаммадалиевга мурожаат этишни тайинлаган. Т.Муҳаммадалиев гарчи ваколат доирасига кирмаса-да, 400 АҚШ доллари эвазига дала шийпонини хусусийлаштириб беришни ваъда қилган. "Хизмат ҳақи"ни олганидан кейин ҳужжатлар уч ойда тайёр бўлади, дея ишонтирган. Бироқ айтган вақтида шийпонни хусусийлаштириб бермаган, ана бўлди, мана бўлди, деб алдаб юраверган. 2012 йил 23 февраль куни телефон қилиб, яна 200 АҚШ доллари келтириб берса, шийпонни қўлга киритишини айтган. А.Тиллаев унинг биронта сўзига ишонмай қўйгани учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бориб учраган. Т.Муҳаммадалиев жиноят устида, 200 АҚШ доллари миқдорида пора олган чоғида қўлга туширилган.

— Туман ҳокимига уй-жой қургани ер ажратишни сўраб ариза ёзгандим, — деди жабрланувчи М.Қодирова. — Аризам кадастр бўлимига чиқарилган экан. Шу бўлимда ишлайдиган танишим Тойиржон Муҳаммадалиев томорқа ер ажратиш тўхтатилган, аммо деҳқон хўжалигини юритиш учун ер олса бўлади, деб йўл-йўриқ кўрсатди. Икки юз доллар берсангиз, ерни тўғрилаб бераман, деди. Унга 200 АҚШ доллари бердим. Бу пулларингизни раҳбарларга бераман, кейин ишингиз ҳал бўлади, деди. Кимга берганини билмайман, лекин ер ажратиб бермади...

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган К.Юлдашев ўғли Р.Юлдашев ҳозир хорижда ишлаётгани, 2007 йилда ММТП майдонларидан уй-жой қуриш учун ер сотилаётганини айтиб, уйдан 1 млн. 400 минг сўм олиб чиқиб кетганини, бу пулларни Т.Муҳаммадалиев билан Ш.Тожибоевларга берганини, оилаларига ташландиқ жойдан 15 сотих ер ажратилганини, бироқ ҳоким қарори чиқмасдан ерни қайтариб олиб қўйишганини баён этар экан, етказилган зарарни судланувчилардан ундириб беришни сўради.

Суд мажлисида Тойиржон Муҳаммадалиевнинг ўғли Фарҳоджон фирибгарликдан ташқари туман марказида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатган ҳайдовчиларни уриб, қасддан енгил ҳамда ўртача оғирликда тан жароҳати етказишдан иборат жиноятларни содир этгани ўз тасдиғини топди. У ўзбошимчалик билан йўналишли такси қатновини "тартибга солувчи" вазифасини ўз зиммасига олган, ҳайдовчилар унинг ноғорасига ўйнашлари шарт эди. Бошқаларга ибрат бўлсин дея, гап қайтарган ҳайдовчиларни калтаклаган.

— Шу йил 22 февраль куни Қўқон-Бағдод йўналишида йўловчи ташиётгандим, — дейди жабрланувчи М.Нуралиев. — Бағдод туман марказида мени "Собиртранс" корхонасида назоратчи бўлиб ишлайдиган Ф.Муҳаммадалиев тўхтатиб, тўсатдан юзимга муштлаб ура кетди. Ерга йиқилдим. Кейин нима бўлганини эслай олмайман. Шифохонада бир неча кун ётиб даволандим. Ф.Муҳаммадалиев бирон марта кўргани бормади. Кечирим сўрамади. Дори-дармонга кўп пул сарфладим. Ундан менга етказган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришингизни сўрайман.

Суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра, Ф.Муҳаммадалиев жабрланувчига ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган. У бошқа бир йўналишли такси ҳайдовчиси Б.Очилдиевни ҳам муштлаб уриб, танобини тортиб қўймоқчи бўлган, унга енгил тан жароҳати етказган.

Суд фуқароларни алдаб, фирибгарлик билан пулларини шилиб олган Тойиржон Муҳаммадалиевга 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш, фирибгарлик жиноятини содир этишда отасига қарашиб юборган, бундан ташқари, фуқароларга енгил ва ўртача даражада тан жароҳати етказган Фарҳоджон Муҳаммадалиевга 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

*Бугун дунё ҳамжамиятини ахборот хуружи ва турли ғоявий таҳдидлар ташвишга солаётган бир вақтда, ўтган асрдан мерос қолган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳам ҳали-ҳануз барҳам топмай келмоқда. Аср вабосидан азият чекаётган миллионлаб оилалар, жойи келса, болаларнинг етим ва ногирон бўлиб қолишлари барчани бирдек ташвишга солиши табиий.*

# Кўза кунида синди

**Отабек АТАКОВ,**
Нурота туман прокурори

Ана шундай хавф-хатарларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда мазкур жиноятга қарши курашишга жиддий эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Мисол учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирларда ватандошимиз Абдуқаюм Собиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, у аввалдан гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб, сўнгги вақтларда уколга ружу қўяди. Жиноят эканлигини билса-да, "опий" гиёҳвандлик воситасини сотиш билан ҳам шуғулланган. Ўтказилган тадбирда Абдуқаюм Собировнинг хонадони кўздан кечирилганда сотиш учун тайёрлаб қўйган гиёҳвандлик воситалари топилди. "Дўстингни айт, кимлигингни айтаман" деганларидек, Абдуқаюмнинг дўсти Акбарали ҳам шундайлардан чиқиб қолди. У ҳам гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб, дўстига шерик бўлиб келган.

Суд Абдуқаюм Собиров ва Акбарали Сувоновга ўзининг одилона ҳукмини ўқиди. Шу ўринда айтиш мумкинки, бу икки дўст маслаҳат берса берадиган, ўрнак бўлса, арзийдиган ёшга қараб бораётган инсонлар эди. Бугун улар қилган ишларидан афсус чекиб ўтирган бўлса ажаб эмас. Зотан, уларни кутиб турган оилалари ана шундай ўйлашларига ундайди, деган фикрдамиз.

*Дунёдаги энг мўътабар, энг табаррук инсон — она. Жамики яхлитлик ва бутунлик шу зот биландир. Она — малҳами дунё. У нур манбаи, одамлар қалбини иситиб туради. Фарзандларни вояга етказиш, етук инсон қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифа унинг зиммасидадир. У ёқимли алласи билан гўдак қалбига меҳр-шафқат, эътиқоду иймонни сингдиради. Энг гўзал инсон ким? Бола кўтарган аёл. Аммо...*

# Боланинг ҳам уволи бор

**Жасур ТАНГРИЕВ,**
Ғиждувон туман прокурори ёрдамчиси
**Шаҳло БАҚОЕВА,**
журналист

Қани эди ҳаётда шу "аммо" бўлмаса... Беш бармоғимиз баравар бўлмаганидек, шу улуғ номдан юз ўгирмоқчи бўлган, фарзандидан воз кечиб, алла айтишни ўзига ор билган нопок оналар ҳам бор, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинувчилар ҳам бор.

Касалхонада кўзи ёригач, кўринишидан кўҳликкина жувон атрофдагиларнинг қутловига жуда бефарқ, хаёли бежо эди. Тўрт килограмм туғилган соғлом чақалоқ йиғлаб шифохонани бошига кўтарар, қўлчалари билан волидасига талпинарди, аммо она унга қайрилиб ҳам қарамади. "Уни олиб кетинг, кўзим кўрмасин", дея зарда билан ўзидан нари итарди. Саросимада қолган ҳамширалар гўдакни ювинтириш учун олиб чиқишди. Ҳамма ҳайрон. Аёл узоқ ўйланиб туриб, бош шифокорни ҳузурига чақиртирди. "Дўхтир, мен фарзандимдан воз кечаман, у менга керак эмас!".

Шафқатсизларча айтилган бу сўзлардан шифокорнинг вужуди титраб кетди. Аёлга шу қадар нафрат билан боқди. Кимлардир фарзандга зор-у, у эса... "э,сатқайи она номи кет-э", дея олди, холос. Туғилган чақалоқ ўғил бола эди. Унга Умиджон деб ном қўйишди. Фуқаролик ишлари бўйича туман судига боласидан воз кечган Т.Юсуповани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида туман прокуратураси даъво аризаси киритди.

Ушбу ҳолат 2011 йил 18 май куни ХТБ васийлик ва ҳомийлик Кенгаши мутахассиси томонидан туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхонасида ўрганиб чиқилди. Она бўлмиш Т.Юсуповага боласидан воз кечиш тартиби ва воз кечгандан кейинги ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилса-да, у болани эмизиш ва боқиб олишдан воз кечиши, бола тўғрисида қайтиб даъво қилмаслигини билдириб, тушунтириш хати ёзди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасига асосан ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар фарзандларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Шунингдек, ушбу кодекснинг 79-моддасида ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши белгиланган.

Оналик номига доғ тушириб, гуноҳи азимга қўл урган, инсон қиёфасидаги аёлга абадул-абад нафрат ва лаънат тошлари ёғилажак. Йиллар сувдек оқади-кетади. Бир кун келиб, ёшлик кексаликка ўрин алмашади. Фарзандидан воз кечган Т.Юсупова сингари аёллар тақдири ачинарли, албатта. Зеро, фарзанддан воз кечиш инсонийлик эмас. Боланинг ҳам уволи бор ахир.

"Ҳузур-ҳаловат қули бўлиб қолган одам танасини ҳам, маънавиятини ҳам мажруҳ қилади", деган эди Суқрот. Ўзининг бетайин ҳаёти, бадхулқи билан номига, шаънига иснод ёғдираётганлар буни билишармикан...

# Огоҳ бўлинг... тўй бўлаяпти!

/Давоми. Бошланиши 4-бетда/

Бундай кўнгилсизликларга, аввало, ота-оналар, маҳалла-кўй сабабчи. Агар тўйларни ихчамлаштириб, исрофгарчиликсиз ўтишини хоҳлашганида, ёшларнинг ҳам орзу-ҳаваси кундан-кунга осмон қадар юқорилаб кетмаган ва бу каби фожеаларнинг олди олинган бўларди.

Энди тўйларимизнинг яна бир оғриқли нуқтасига эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Тўйларимизнинг кўп бўлгани яхши, бироқ ароқнинг меъёрдан ошгани чатоқ-да. Қуйидаги фожеага айнан спиртли ичимлик ичиб олган йигитлар сабаб бўлишди. Ўша куни Ашрафжоннинг тўйи бўлаётган эди. Тўй ёш-ялангники эмасми, куёвтўранинг жўралари бир оз "отиб" олишган. Бахт қасри сари чоғланган ёшларнинг никоҳ тўйи ресторанда бўлиб ўтадиган бўлди. Куёвжўралар орасида Абдуазиз ва Жамшидлар ҳам бор эди. Улар ўзларини бошқалар каби уйланаётган дўстининг қувончига шерик деб билишар, ширакайф эмасми, қийқириб "ҳа, дўст" деб қўйишарди. Уч кишилашиб битта машинани савдолашиб, тўйхонага кетаётган келин-куёв карвонига қўшилган бўлишди. Машиналар қаторлашиб ресторан томон елиб кетди. Сархуш йигитларнинг назарида улар кетаётган машина нимагадир ҳаммадан орқада қолаётгандек туюлаверди.

— Газни босинг, ака, — деди ҳайдовчи ёнида ўтирган Абдуазиз.

— Ҳа, биз ҳаммадан олдинда боришимиз керак, — қўшилди Жамшид.

— Кўрмаяпсизларми, олдимизда "Дамас" йўл бермаяпти, — деди босиқлик билан ҳайдовчи.

— Сиз ёнидан ҳайданг, мен унга тушунтириб қўяман, — деди Абдуазиз.

Жигули ҳайдовчиси "Дамас"га ёнма-ён кета бошлади.

— Машинангизни, чеккароққа олинг, ўтиб кетайлик, — бақирди Абдуазиз.

— Ана, катта кўча, ўтиб кетавермайсанми? — жаҳл қилди "Дамас" ҳайдовчиси.

Машиналар шитоб билан қувлаша-қувлаша тўйхонага ҳам етиб келишди. Машинадан тушиб келган Абдуазиз "Дамас"нинг ҳайдовчисини излаб қолди. "Дамас"нинг ҳайдовчиси Сирожиддин машинасини чеккароққа қўяётган экан. Абдуазиз унга яқинлашиб сўкина кетди. Бунга ҳам қаноат қилмади, шекилли, қўлига эрк берди. Сирожиддин ҳам қараб ўтирмади. Йигитлар ёқалашиб кетишди. Атрофдагилар уларни ажратган бўлди. Энди Сирожиддинга Жамшид ёпишиб кетди. Маст бўлиб олган Жамшид ўзини идора қиладиган аҳволда эмасди. Чўнтагидан пичоқ чиқариб, Сирожиддиннинг қорнига бир неча марта уришга улгурди. Кимнингдир хабари билан етиб келган Сирожиддиннинг акаси Обид Жамшидга ташланди. Жамшид Сирожиддинни қўйиб Обидга пичоқ ўқталди. Яқин келиб қорнига бир марта пичоқ уришга улгурди. Шу асно Жамшидни кимдир тортиб қолди. Буткул қутуриб кетган Жамшид "Ҳаммангни ўлдираман" деб бақира бошлади. Атрофда одам кўпайганини кўриб, ресторанинг орқа тарафига қараб қочиб кетди. Пичоқланган ака-укалар зудлик билан шифохонага етказилди. Бироқ, жароҳати оғир бўлган Сирожиддин шифохонада вафот этди.

Қилғиликни қилиб қўйган, спиртли ичимлик ичиб, жиноят содир этган Жамшид эса айбни бўйнига олишдан кўра Қозоғистонга қочиб кетишни афзал кўрди. Жиноятини барибир яшириб юролмаслигига кўзи етгач, бир неча ой ўтиб, уйига қайтиб келади.

Суд жанжални бошлаб берган А.Эргашевни ҳам қонун доирасида жазолади. Бир йўла икки кишини пичоқлаб, бирининг ўлимига сабаб бўлган Ж.Мухторов эса 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

# Осойишта юртнинг болалари ҳам бахтли бўлади

*"Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси".*

**Ислом Каримов**



Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлари талабларига мувофиқ юртимиз таълим тизимида чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда. Техника асри аталмиш бу даврни ўзларига бўйсундираётган ёшларнинг билими ва иқтидорига қойил қолмай бўлмайди. Давлатимизнинг ёшларга улкан эътибори туфайли ҳозирда улар замонавий илм даргоҳларида ўқиб таълим олмоқдалар. Иқтидорли ва юқори билимга эга муаллимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилаётгани фарзандларимизнинг билим олишларида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунги кун ўқувчиларининг дунёқараши тубдан ўзгарганлиги боис, мактаб таълими ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши халқ таълими тизимида ҳам бир қатор ўзгаришларга имкон яратди. Бугунги истиқлол фарзандларининг билим даражаси олдинги йиллардаги ўқувчиларникидан кескин фарқ қилган ҳолда ўсиб бораяпти. Буларнинг бари истиқлол шарофатидан, мустақил давлатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган катта эътибордандир.

Бугунги ёшларни қанчалик маънавий жиҳатдан баркамол, етук кишилар қилиб вояга етказсак, уларда ор-номус, ғурур, ватанга содиқлик ҳисларини изчил шакллантириб борсак, кўзланган юксак тараққиёт марралари сари парвоз қилишимиз шубҳасиздир.

Ўтган давр мобайнида туманимиздаги 62 та мактабнинг 58 тасида қурилиш ишлари амалга оширилиб, ўқув даргоҳлари замонавий қиёфага эга бўлди. Бу эса ўз ўрнида ўқувчи-ёшларни кунт билан билим олишга, ўқитувчи-мураббийларни ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишиши учун сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Яна шуни қувонч билан айтиш мумкинки, ҳозир туманда физика лаборатория хоналари сони 21 тага, кимё лаборатория хоналари 4 тага, биология хоналари сони 5 тага, мактаблардаги спорт заллари 54 тага етди.

Бугунги таълим муассасалари нафақат ёшларга билим берадиган маскан, балки ўша ҳудуддаги маданият, маънавият ҳамда маърифат ўчоғи ҳам ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан фарзандларимиз истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маънавий-маданий савиясини юксалтириш, уларга санъат орқали миллий қадриятларимизни ўргатиш мақсадида қабул қилинган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда туманимизда болалар мусиқа ва санъат мактаби янги лойиҳа асосида қурилмоқда.

Туман прокуратураси ёшларга ҳаётда қоқилмасдан ўз ўринларини топиш учун бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича амалий ишлар олиб боряпти. Тамаки чекиш, алкогол, наркотиклар истеъмол қилишининг зарари, ОИВ/ОИТС каби хавфли иллатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказиб турилибди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ишлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йилдаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларимиз ўз самарасини беряпти. Жумладан, болаларнинг соғлиғига, руҳиятига ва маънавий камол топишига зарар етказадиган "оммавий маданият" ниқоби остида зўравонлик, гиёҳвандлик, экстремизм, ахлоқсизлик ва беҳаё турмуш тарзини тарғиб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг, тарқатиш ва намойиш қилишнинг олдини олиш борасида тумандаги "Навоий", "Гулистон", "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари ва ота-оналар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиб, тарғибот ишлари олиб борилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳамиша таъкидлайдиган бир ибораси бор, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Мамлакатимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган. Бу улуғ ишда фидойи, жонкуяр ўқитувчиларнинг ўрни беқиёсдир.

**Равшанбек БАУАДДИНОВ,**
Беруний туман прокурори


ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН •

## «Қашқадарё ким ошди савдо» масъулияти чекланган жамияти «аукцион» савдосига таклиф этади!

**2012 йилнинг 29 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб "Қашқадарё ким ошди савдо" МЧЖ офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. Яккабоғ-Ғузор ирригация тизими бошқармасига қарашли, "УАЗ-31512" русумли, давлат рақами 18 АД 548 автомашина. 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. **Бошланғич баҳоси — 1 040 000 сўм.**

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармасига қарашли, "ГАЗ-3102" русумли, давлат рақами 18 АС 549 автомашина. 2000 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. **Бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.**

3. "ГАЗ-3110" русумли давлат рақами 18 АС 465 автомашина. 2000 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. **Бошланғич баҳоси — 3 030 000 сўм.**

4. "Нексия" русумли давлат рақами 18 АС 560 автомашина. 2000 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. **Бошланғич баҳоси — 8 210 000 сўм.**

5. "Дамас" русумли давлат рақами 18 АС 592 автомашина. 2000 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. **Бошланғич баҳоси — 6 072 000 сўм.**

Очиқ "Аукцион" савдосига қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунлардан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача "Қашқадарё ким ошди савдо" МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар 4-митти туман, мўлжал "Зангори экран" устахонасининг чап ёни)да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 ва 12 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида келишув"га асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлангалигини тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона низоми ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** "Қашқадарё ким ошди савдо" МЧЖ, АТИБ "Ипотека банк" Қашқадарё вилоят филиали, МФО 00190, ҳисоб рақами 20208000504396266001, СТИР 205560394.

**Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман.**
**Мўлжал: "Зангори экран" устахонаси.**
**Телефон: 505-08-99, 506-08-99**
**Гувоҳнома № 1665**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 24 сентябрдаги 93-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Пискент туман ҳокимлигига қарашли Тошкент вилояти, Пискент тумани, Октепа ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси 86 674 000 сўм бўлган, собиқ "10-сонли умумтаълим мактаб" биноси (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Пискент туман ҳокимияти.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Давлат активининг умумий ер майдони 4217,93 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м.

Бино ва иншоотларда сув ва электр тармоқлари мавжуд.

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 24 сентябрдаги 94-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Пискент туман ҳокимлигига қарашли Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 102 283 000 сўм бўлган, собиқ "3-сонли умумтаълим мактаб" биноси (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Пискент туман ҳокимияти.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Давлат активининг умумий ер майдони 3225,59 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м.

Бино ва иншоотларда сув ва электр тармоқлари мавжуд.

III. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 24 сентябрдаги 92-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Пискент туман ҳокимлигига қарашли Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФХУ ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси 27 855 000 сўм бўлган, эски "Шийпон" биноси (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Пискент туман ҳокимияти.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Давлат активининг умумий ер майдони 2016,03 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м.

Бино ва иншоотларда сув ва электр тармоқлари мавжуд.

**Давлат активларини аукцион савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:**

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Аукцион савдолари 2012 йил 29 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 26 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активлари 2012 йил 29 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5, 12, 19 ноябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 5 ноябрдаги савдолар учун 2 ноябрь куни соат 18:00; 12 ноябрдаги савдолар учун 9 ноябрь куни соат 18:00; 19 ноябрдаги савдолар учун 16 ноябрь куни соат 18:00

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишуви асосан, давлат активлари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайди: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолар Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1 "А"-уй манзилидаги бинонинг 4-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1 "А"-уй. Тел 228-79-52, 228-84-48.

Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz. http://www.rkmb.uz/ **Лицензия: RR-0001.**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги 64-КОС-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активлари қўйилмоқда:

I. Хива туман ҳокимлигининг "Касаначиликни ривожлантириш" бўлимига қарашли, Хива туман Журён қишлоғи ҳудудида жойлашган, эски фуқаролар йиғини уйи биноси (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси- 126 100 000 сўм. (фаолият турини сақламаган ҳолда)

**Давлат активини балансда сақловчи:** Хива туман ҳокимлигининг "Касаначиликни ривожлантириш" бўлими

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув

Ер участкасининг умумий ер майдони 293,88 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдали майдони 293,88 кв.м.

Аукцион савдолари 2012 йил 6 ноябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Хоразм вилояти филиалидаги АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-43-64, факс: 226-32-63.

Аукцион савдолари натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Урганч ш., Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда бўлиб ўтади. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Тел: (8-362) 226-32-63 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz **Лицензия: RR-0001.**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 183к-ПО-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Иссиқлик физикаси институтига қарашли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Ц-мавзеси, Қатортол кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси -11 322 596 900 сўм (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Иссиқлик физикаси институти.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Белгиланган тартибда тасдиқланган режаларга мувофиқ фундаментал ва амалий тадқиқотлар, лаборатория илмий синов ва тажриба ишларини олиб бориш.

Бино-иншоотларнинг қурилиш майдони 13 934 кв.мдан иборат бўлиб, қўшимча дарахтлар ва иншоотлардан ташкил топган.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 29 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 30 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 15, 30 ноябрь ва 17 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 15 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 14 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 30 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 29 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 17 декабрдаги савдолар учун 2012 йил 14 декабрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй, бинонинг 3-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй.

Телефон (факс) (8-371) 233-23-49. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 14 сентябрдаги 75/ас-д-сонли буйруғига асосан, "Наманганагросаноатқурилиш" МЧЖга қарашли, давлат мулки бўлган, Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Гулистон-2 маҳалласида жойлашган, бошланғич баҳоси — 5 335 386 сўм бўлган "Тиббиёт пункти" биноси (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** "Наманганагросаноатқурилиш" МЧЖ

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш.

Бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 24,4 кв.метр, умумий ер майдони 24,4 кв.метр.

Бино ва иншоотларда электр тармоғи мавжуд.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 29 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 30 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7 ноябрь ва 2012 йил 14, 21 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 7 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 6 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 14 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 13 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 21 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 20 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни 800 308 (саккиз юз минг уч юз саккиз) сўм миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилоят филиалининг АТИБ "Ипотекабанк" Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Наманган шаҳар Нодира кўчаси, 3-уй, бинонинг 4-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй. Тел: (факс) (8-369) 226-27-01, 226-54-47. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

# Ҳурматли юртдошлар!

# «АСАКА» банки ОАЖ

**Сизларни «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан қутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади**

**«МУРАББИЙ-2012»**

*Сақланиш муддати — 3 йил. Фоизлар ойма-ой ҳисобланиб, коммунал ва бошқа тўловларга (электроэнергия, иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон, ўқиш учун, даволаниш учун ва бошқалар) йўналтирилади.*

*Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.*

*Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.*

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*Хизматлар лицензияланган.*


## «BEST GLOBE REALTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори, Пешку туман ҳокимининг 2012 йил 23 июндаги 344-сонли ҳамда 2012 йил 22 июлдаги 402-сонли қарорлари ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 6 августдаги 5а-сонли ва 2012 йил 24 сентябрдаги 7а-сонли буйруқларига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги қуйидаги ташкил қилинадиган очиқ "АУКЦИОН" савдоларига чиқарилмоқда:

1. Пешку тумани Янгибозор ШФЙ Ўзбекистон кўчаси ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 5-сонли ер майдони бўйича такрорий "АУКЦИОН" савдолари 2012 йил 16 октябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

**Бошланғич баҳоси — 1 209 600 сўм**

2. Пешку тумани Зандани ҚФЙ Зандани қишлоғи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 2 дона ер майдонлари бўйича "АУКЦИОН" савдолари 2012 йил 30 октябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 480 000 сўмдан.**

**ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"АУКЦИОН" савдолари белгиланган кунларда Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-қавати) манзилида ўтказилади.

"АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талагорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

■ Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

■ Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

■ "Аукцион ташкилотчиси"нинг реквизитлари: СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 15 % (ун беш фоиз) миқдоридаги закалат пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

■ Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:

Жисмоний шахслар учун: — Фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: — Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.

■ Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

■ "АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Мустақиллик кўчаси 10-уй, 3-қаватида қабул қилинади.

■ Закалат пулларининг киритилиши "АУКЦИОН" савдолари бошланишидан бир соат олдин, буюртманомаларни қабул қилиш "АУКЦИОН" савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин, яъни 2012 йил 16 октябрь кунидаги "АУКЦИОН" савдоси учун 2012 йил 15 октябрь куни соат 16:00 да ҳамда 2012 йил 30 октябрь кунидаги "АУКЦИОН" савдоси учун 2012 йил 29 октябрь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

■ Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

**E-mail:** bg_rieltor@list.ru, **тел:** +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

**Лицензия RR 0029.**

## «BV Trade service» ихтисослаштирилган МЧЖда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси

| № | Объект номи | Манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| | **2012 йил 11 сентябрь куни сотилган улушлар.** | | | |
| 1 | «Бухороматлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг «Бухороматлуботсавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативи устав фондидаги 25 % улуши | Бухоро тумани Гала-Осиё шаҳри Нодирабегим кўчаси 9-уй. | 47 617 550 | 55 000 000 |


**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay`ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Ⓣ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5421 46 182 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00. Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.